2023 ЙИЛ – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 259 (781), 2022 йил 21 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news

# ТАРАҚҚИЁТГА – ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.**





Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мурожаатнома ўндан ортиқ телеканал орқали жонли эфирда, шунингдек, Президентнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали онлайн ёритиб борилди.

Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Беҳисоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяпмиз.

Якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: **тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.**

Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб, 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш — эътиборимиздаги энг асосий масала.

Шу мақсадда охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Халқимиз соғлиғини сақлаш учун барча тиббий хизматларни энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширяпмиз.

Одамларимизни касб-ҳунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз.

Бу йил 381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик ва муҳим ташаббусларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Мана шундай катта ютуқларга эришишда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт шоҳсупаларида байроғимизни баланд кўтараётган ўғил-қизларимиз, шижоатли ёшларимизга янги-янги зафарлар тилайман. Улар бизнинг фахримиз-ғуруримиздир.

Чегараларимиз дахлсизлиги ва тинчлигимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиб келаётган Ватанимиз посбонларига ҳам эзгу тилакларимни йўллайман.

Қадрли фахрийларимиз, муҳтарама опа-сингилларимиз, тадбиркор ва фермерларимизга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий ҳамкорларимизга, бугунги анжуманда қатнашаётган дипломатик корпус вакилларига ҳам ташаккурларимни айтаман.

**Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуғ бўлган диёр — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.**

Ҳурматли юртдошлар, қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз — бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда.

Афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Қорақалпоғистонда шу йил ёз ойида содир бўлган нохуш воқеалар бутун эл-юртимизни қаттиқ қайғуга солди. Худога шукр, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

Биз учун **“Қорақалпоғистоннинг ютуғи — бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши — бутун Ўзбекистоннинг ташвиши”** деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг эзгу мақсадимиз — биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажагимиз ҳам бир.

**Биз жонажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттирамиз!**

Азиз дўстлар!

Бир ҳаётий ҳақиқатни таъкидламоқчиман — бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.

Шу боис, **“Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат”** деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир таклифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

**“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”** тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими — ҳар бир ватандошимиз конституциявий ислоҳотларга дахлдор бўлиши ва **“Бу — менинг Конституциям”,** деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин таклифларни муҳокама қилдик.

Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда.

Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни туғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн карра, юз карра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”,** деб ном беришни таклиф қиламан.

Нима учун йилга бундай ном беряпмиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу — бунёдкор халқимиз, дуогўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

**Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.**

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,

Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Энди 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи йўналиш.** Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни таклиф қиламан.

Нима учун сўзни айнан шу йўналишдаги ислоҳотдан бошлаяпман?

Олдинлари эътибордан четда қолиб, “йўқ бўлиб кетиш” арафасида бўлган соҳаларни “оёққа турғизиш” учун олти йил давомида янги вазирлик ва идораларни ташкил қилишга тўғри келди. Шундай қилишга мажбур эдик, акс ҳолда ҳозирги ютуқларимиз бўлмас эди.

Мактабгача таълим, уй-жой коммунал, “маҳаллабай” ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришдик. Хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортга қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги, замонавий технология ва касб-ҳунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда.

Давоми 2-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истиқболларни очиш мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан — аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.

Очиқ айтиш керак — ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Вазирларнинг Ҳукумат қабул қилаётган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, “овози йўқ”. Яъни уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ.

Агар вазирнинг ўз соҳаси бўйича узоқни кўзлаган аниқ ёндашувлари бўлмаса, унинг фаолияти туфайли одамларнинг оғири енгил бўлмаса, ўзингиз айтинг, бундай раҳбардан нима наф бор?

Шунинг учун янги маъмурийислоҳотлар тўғрисидаги фармонни имзоладим. Бунга узоқ тайёргарлик кўрдик.

Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади.

Энди ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги қўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади.

Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади. Бунга мос равишда жавобгарлиги ҳам кучайтирилади. Уларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилади.

Вазирликлар фаолиятида очиқлик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади.

Биз коррупция ҳақида кўп гапирамиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

Имом Мотуридий бобомизнинг: **“Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай”,** деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.

Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Энди вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегиал ҳал этилади.

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, “Ҳукумат куни” ўтказилиши йўлга қўйилади.

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан эса унинг натижаси бўйича ҳисобот беради.

Таъкидлаб айтмоқчиман — энди қайси вазир ўз ишини эплай олмаса, истеъфога чиқади.

Шу ўринда яна бир фикрни Парламент вакилларига етказмоқчиман.

Сўнгги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйлаяпмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маъқуллаяпти. Лекин, афсуски, кейинчалик фақат танқид билан чекланмоқда.

Маълумки, соҳалар бўйича иккала палатада ҳам қўмиталар, комиссиялар бор. Аслида, улар вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиши, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топишлари лозим.

Шу боис, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг ҳам масъулиятини белгилаш тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала — юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлашимиз керак.

Умуман, Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.

Маъмурий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислоҳ қилинади.

Барча маъмурий ислоҳотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим. Ўйлайманки, сизлар ҳам бунга қўшиласизлар.

Бу йил “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилдик. Бундан буён давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади.

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келамиз.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади.

Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Вазирлар фақат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали қишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемалол йилига 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш мумкин.

Маъмурий ислоҳотлар доирасида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан.

Бу пойтахтимиз Тошкент билан бир қаторда “ўзига тортувчи марказлар”ни кўпайтириш бўйича бошлаган сиёсатимизда янги амалий қадам бўлади; жон бошига даромад, иш жойларини кўпайтиради; иккала вилоятда ҳам туманларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади ва буям адолатдан бўлади.

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Бош вазир жавоб беради.

**Иккинчи йўналиш.** Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак.

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз.

**“Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.**

Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертизадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Очиқ айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларни пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-ҳунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!

Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “A-level” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгаяди.

Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Ҳозирги очиқлик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига мурожаат қилмоқчиман.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-ҳунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти — айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман — сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар.

Келгуси йили 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сонини 1 мингтага етказамиз.

Йил бошидан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди. Бу борада етарли тажриба орттирдик.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилади. Бу жараёнларни шаффоф тизим асосида ташкил этиш, фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлашга халқ таълими вазири масъул ва жавобгар бўлади.

Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу — ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз.

Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислоҳотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу — жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Аввалambор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади.

Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак.

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу — 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

Ҳурматли юртдошлар!

Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирамиз.

Аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштирамиз. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Шу ўринда бир оғриқли масалани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда 7 миллион аҳолимизда турли хил сурункали касалликлар бор.

Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационига доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” янги умуммиллий ҳаракати**ни маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари — барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади. Барча туғуруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳаларини бошлаймиз.

Муҳтарам қўшма мажлис қатнашчилари!

Маълумки, барча ислоҳотларимиз замини ва кўзгуси бу — маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

**Маҳалла — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир.** Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Авваламбор, 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарур.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.

Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади.

Ҳудудларда ҳам йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

**Учинчи йўналиш.** Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам терговсифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Бош прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

Бу масалани алоҳида назоратга олиб, тез кунларда ушбу тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу боис, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиляпмизми?

Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак.

Шу билан бирга, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда кўришда холис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади.

Нима учун адвокатга жиноят иши қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилмайди? Бундай ҳолатда тенглик ҳақида қандай гапириш мумкин?

Энди судларга жиноят иши фақат айблов хулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Охирги пайтларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади.

**Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият.**

Бош прокурор ва ички ишлар вазири бу ҳақиқатни ҳар бир ходимига етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.

Илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқамиз.

Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: **Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.**

Бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Юқоридаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Шу ўринда биз учун долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин очиқ айтиш керак, бу — масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш.

Депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари керак эмасми?

Ҳар бир депутат ўзининг округидаги бюджет ҳисобидан бўлаётган қурилишлар, йўлларни, ҳар ойда бориб кўрса, буюртмачи ва пудратчидан сифатни талаб қилса, биласизларми, аҳвол қандай ўзгаради? Бунинг учун сизларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам бор.

Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

**Тўртинчи йўналиш** экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур.

Биласиз, мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди.

Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимизда ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади. Шу билан бирга, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз.

Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.

Агар шу ислоҳотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Бошланиши 1-, 2-бетларда

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади.

Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман.

Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сақлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантирамиз.

Умуман, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади.

**Бешинчи йўналиш.** Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кескин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштирамиз.

Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман — 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман — 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман — 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман — 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман — 5-тоифага тўғри келади.

Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор енгилликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.

Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳокимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шуғулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни енгиллаштириш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам биздан долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар кутаётгани сир эмас.

Очиқ айтиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингтага кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттли яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттли 7 та электр станциясини ишга туширдик.

Келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттли 11 та йирик лойиҳани якунига етказамиз. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Очиқ айтиш керак, кўп иқтисодчилар энергетика соҳасида эркин бозорга ўтишни таклиф қилмоқда.

Бу — тўғри йўл. Мен ҳам буни хоҳлайман. Лекин халқимизнинг жон бошига даромади, ижтимоий ҳимоясини ўйлаб, бу соҳадаги ислоҳотларни шошмасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак.

Энг муҳим масала — энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастурини қабул қиламиз. Депутат ва сенаторларимиз бу ишга бош-қош бўлса, албатта ижобий натижа бўлади.

Уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашни ўргатиш керак. Қонунларимизда ҳам бу масалаларни мустаҳкамлаш зарур.

Шу билан бирга, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалиқ, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун 1 минг мегаваттли қуёш электр станцияларини ўрнатса, йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалади.

Худди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши керак.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттли қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

Агар ана шу масалага жиддий киришсак, бу ишлар албатта натижасини беради.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли "яшил энергия"га ўтказилади.

Аҳоли хонадонларида эса, қуёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади.

Умуман, "яшил энергия"га тезроқ ўтмасак, бу борада қонунларимизда ҳам аниқ механизмларни белгиламасак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз.

Газ захираларини кўпайтириш мақсадида геология-қидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қиламиз. Бунда янги технологияларни жорий этиб, илк бор чуқур қатламларда газ қазиб чиқариш ишларини бошлаймиз. Жумладан, Устюртнинг юқори истиқболга эга чуқур қатламларида қидирув ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта кўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

**Олтинчи йўналиш.** Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаймиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Мисол учун, "Ёшлик" мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалиқ комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

Шу билан бирга, Олмалиқда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

Металлургия соҳасида амалга оширилаётган катта дастурларимиз беш йилдан кейин мисни — 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим — юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Навбатдаги масала — 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

Бу йил бошланган **"Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти"** дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз.

Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очиқ ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуроний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик!

Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз муҳтарам нуронийларимизга таянамиз.

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган дуогўй отахон ва онахонларимизнинг сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратишни давом эттирамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

**Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз.** Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жадид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

**Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз.**

**Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд этамиз.**

Фурсатдан фойдаланиб, ислоҳотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Барчангизни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака, оилавий бахт тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни, Ўзбекистонимизни паноҳида асрасин!

# ТАРАҚҚИЁТГА — ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлган ушбу тадбир 2017 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Унда тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилинади. Шу боис, халқимиз бу тадбирни доимо катта қизиқиш билан кутади.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлганини таъкидлади. Ушбу даврда тўпланган тажриба бир ҳақиқатни яққол исботлаб берди: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.

— Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ва самарали ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт эса, 19 миллиард долларга етди.

Қайд этиш лозим, бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

— Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш — эътиборимиздаги энг асосий масала, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу мақсадда охирги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Халқимиз соғлиғини сақлаш учун барча тиббий хизматлар туман ва маҳалла даражасига туширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларига мезбонлик қилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

— Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, "Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат" деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

"Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутилмоқда.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқиш кераклиги қайд этилди.

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаклар, албатта, инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Ҳар галгидек, Мурожаатноманинг энг ҳаяжонли қисми янги йилга ном берилиши бўлди. Давлатимиз раҳбари келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин таклифлар муҳокама қилинганини қайд этди.

— Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда. Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оворагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда. Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари кириб келаётган 2023 йилга мамлакатимизда Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб ном беришни таклиф этди. Президентимизнинг ушбу таклифи тадбир иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Келгуси йил учун режа ва дастурлар аниқ белгилаб олинар экан, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаб, энг муҳим ва устувор соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш, Янги Ўзбекистонни "ижтимоий давлат" тамойили асосида қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилашга қаратилган энг муҳим вазифалар, ички ва ташқи сиёсатга доир устувор йўналишлар белгиланди.

Президент Мурожаатномада айтилган вазифаларни дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда амалга ошириш осон бўлмаслигини қайд этди.

— Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўпладик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз.

Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни, албатта, барчамиз биргаликда бунёд этамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент сўзининг якунида йиғилганларни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барака, оилавий бахт тилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Барча ислоҳотларимиз замини ва кўзгуси бу — маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади. Маҳалла — тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонидир.**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан).*

# МУРОЖААТНОМА МАМЛАКАТНИ ИСТИҚБОЛДА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ДАСТУРИДИР

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Анъанага айланган ушбу тадбирда поёнига етаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, 2023 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар баён этилди.**

**Ўзбекистон Президенти томонидан тақдим қилинган дастуруламал ҳужжат нафақат мамлакатимиз кенг жамоатчилиги, балки хорижий давлатлар академик-эксперт доиралари, дипломатик корпус вакиллари орасида ҳам ўз акс-садосини берди.**

**Ҳусайн ГУЛИЕВ,**
**Озарбайжон элчиси:**



— Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатнома чуқур таҳлил хусусиятига эга экани билан ажралиб турди. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги режалар атрофлича баён этилди.

Давлат раҳбари аниқ ва тушунарли ҳаракатлар алгоритмини эълон қилди. Ўзбекистон Президентининг Мурожаатномасини тинглаб менда ҳеч қандай савол қолмади. Чунки унда мамлакат ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган, мавжуд вазиятга оқилона баҳо берилган.

Шунингдек, Мурожаатнома халқни рози қилишга бўлган азми қарор мужассамлиги билан ҳам юксак эътиборга моликдир.

**Абдужаббор РАҲМОНЗОДА,**
**Тожикистон элчиси:**

— Давлат раҳбарининг Мурожаатномаси дастурий нутқ бўлди. У Янги Ўзбекистонни янада ривожлантиришга жуда катта



эътибор қаратди ва бу бўйича аниқ таклифларни илгари сурди.

2023 йил "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилинди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати сўнгги йилларда мамлакатда таълим сифатини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ўйлайманки, келгуси йилда таълим тизимида янада жиддий ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистон етакчиси мактабгача таълимни ривожлантириш мақсадида алоҳида вазирлик ташкил қилди, жажжи болажонларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширди. Ўзбекистон бу йўналишдаги мавжуд муаммоларга ечим топди. Бугунги кунда 74 фоиздан ортиқ бола мактабгача таълим муассасаларига бориш имкониятига эга. Бу йўналишда мамлакатингиз Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Мурожаатномада янги мактаблар қуриш, таълим тизими ислоҳотларини давом эттириш ва ўқитувчилар мавқеини ҳамда ролини ошириш бўйича ҳам муҳим ташаббуслар билдирилди. Президент ўқитувчилар обрўсини юксалтириш бўйича мамлакат қонунчилигига ўзгартишлар киритиш мақсадларини ҳам маълум қилди.

Бундан ташқари, Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали кейинги икки, уч йил давомида ушбу жабҳани ўта ривожланган ва аҳолига юқори даражада хизмат кўрсатадиган тизимга айлантириш вазифаларини санаб ўтди. Мурожаатномада, шунингдек, саноат, автомобилсозлик, тўқимачилик, кимё соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон етакчиси энергетика соҳасини янада ривожлантириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ вазифаларни санаб ўтди. Тармоқдаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш учун тизимли таҳлил тақдим этилгани баробарида мамлакат ҳукумати олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Мурожаатномада қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам катта эътибор қаратилди, амалга оширилиши керак бўлган ўзгаришлар юзасидан аниқ таклифлар билдирилди. Ўйлайманки, ушбу таклифлар ва соҳада амалга ошириладиган ўзгаришлар деҳқонларга катта имкониятлар яратиб, уларнинг фаолиятини янада яхшилашга хизмат қилади.

Энг муҳим жиҳати шундаки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижтимоий давлат эканини айтди, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш чоралари бўйича бир неча муҳим ташаббусларни илгари сурди. Мурожаатномада билдирилган барча муҳим ташаббуслар Ўзбекистон халқининг ҳаётини янада яхшилашга ва мамлакатнинг ривожланган давлатлар сафига қўшилишига хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

**Даниэль Кристиан ЧОБАНУ,**
**Руминия элчиси:**



— Ушбу муҳим тадбирда иштирок этганимдан жуда хурсандман. Ўзбекистон Президентининг янги ташаббусларини эшитиш биз учун катта шараф бўлди.

Ўзбекистонда ислоҳотлар давом этаётгани ва фаоллашаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Руминия давлатингиз раҳбари етакчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнини юксак қадрлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев маъмурий ҳокимиятни ислоҳ қилиш масалаларига катта эътибор қаратди. Бу жуда муҳим жиҳат. Давлат раҳбари, шунингдек, таълим соҳасини ривожлантириш режалари билан ҳам ўртоқлашди.

Руминия бу ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр. Биз иқтисодий соҳада ҳам алоқаларни ривожлантиришга ҳозирмиз.

Ўзбекистон Президенти хорижий сармояларни жалб этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Шуни таъкидлашни истардимки, жорий йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бери энг юқори кўрсаткичга етди.

**Раҳел БЁШ,**
**Швейцариянинг Ўзбекистондаги дипломатия миссияси раҳбарининг ўринбосари:**

— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасида давлат ва халқ ҳаётини янада яхшилаш бўйича



жуда долзарб таклиф ва мақсадлар ўз ифодасини топди. Хусусан, бошланғич синф ўқувчиларини бепул тушлик билан таъминлаш вазифаларига эътибор қаратилгани менга жуда мақбул бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг таълим олиши, бандлигини таъминлаш бўйича истиқболдаги чора-тадбирлар ҳам алоҳида таъкидланди.

**Нурлан ЖУМАЛИЕВ,**
**Қирғизистон элчихонаси маслаҳатчиси:**

— Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатнома сермазмун ва қизғин фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Мурожаатнома 2023 йилда Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи учун мукаммал дастур бўлиб хизмат қилади. Унда давлат раҳбари келгуси йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё минтақасидаги вазият, минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик, биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича муҳим таклифларни илгари сурди. Бу, ўз навбатида, минтақада тинчлик ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайман.



Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ташқи сиёсати жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки давлатларимизнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги минтақа барқарорлигини таъминлайди.

Мурожаатномада, шунингдек, давлат ташкилотлари оддий одамларга янада катта эътибор қаратиши кераклигига алоҳида урғу берилди. Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш ва вазирликларнинг ўз фаолиятини аҳоли орасига кириб, оддий одамларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этиши зарурлиги сингари қатор ташаббуслар ҳам катта таассурот уйғотди.

**Нина ЛИНДЕ,**
**Латвия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори:**



— Мурожаатнома Ўзбекистонда 2022 йилдаги асосий сиёсий воқеалардан бири бўлди. Давлат раҳбари ўзининг дастуруламал маърузасида ўтаётган йил якунларини сарҳисоб қилиб, давлатни янада барқарор ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ўта долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон тарихий аҳамиятга молик кенг кўламли ислоҳотларни ишонч билан давом эттирмоқда. 2023 йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиниши олти йил аввал Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бошланган давлат ва жамиятни ҳар томонлама янгилаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Янгиланишлар жараёнининг пировард мақсади Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини, жамиятда ҳар бир инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг бекиёс аҳамиятини яна бир бор ифода этди.

**Антуан КОЛОННА,**
**"Spectacle du Monde" журнали бош муҳаррири (Франция):**

— Анъанага кўра, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар йили мамлакат парламенти ва халқига Мурожаатнома йўллаб, ушбу дастуруламал ҳужжатда ўтган йил якунларини сарҳисоб қилди, яқин истиқболдаги тараққиётнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Навбатдаги Мурожаатномада илгари сурилган қуйидаги асосий фикрлар эътиборимни тортди.

Биринчидан, 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб эълон қилиш таклиф этилди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар амалга оширилди. Мамлакатда инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устун қўйилмоқда. Халқ билан бевосита мулоқот йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда инсон омилига устувор аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Иккинчидан, давлат раҳбари пандемия ва глобал сиёсий-иқтисодий мавҳумлик шароитига қарамасдан, Ўзбекистонда эришилаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъкидлади. Республика ялпи ички маҳсулоти ҳажми биринчи марта 80 миллиард доллардан ошди ва 2018 йилга нисбатан 1,5 баробардан ортиқ миқдорда ўсди. Жорий йил бошидан буён тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 8 миллиард долларга етди.



Учинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик шаҳарлар иқтисодий тараққиётнинг локомотиви ва "ўсиш нуқталари"дир. Мамлакатда нафақат минтақа, балки жаҳон миқёсида машҳур ва тарихий шаҳарлар мавжуд. Хусусан, энг қадимий шаҳарлардан бири, Темурийлар давлати пойтахти Самарқанд бугун халқаро сайёҳлик ва ишбилармонлик маркази мақомини олди. Давлат раҳбари сайёҳлик салоҳиятини уч миллион туристга етказиш режалаштирилаётган шаҳарни республика миқёсидаги маъмурий бирликка айлантиришни таклиф қилди.

Умуман олганда, янги Мурожаатноманинг тақдим қилингани мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим босқичини англатади. Зеро, Марказий Осиёнинг асосий давлати бўлган Ўзбекистонда сўнгги йилларда сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда улкан ўзгаришлар, туб ислоҳотлар амалга оширилди.

**Меҳмет Сейфитдин ЭРОЛ,**
**Анқара Инқироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази — "ANKASAM" директори, профессор (Туркия):**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда қўл бошқарувидан тизимли бошқарувга ўтиш вақти келгани ҳақидаги фикрларни алоҳида таъкидламоқчиман. Аввалги синовларга бой, глобал пандемия даврида ўз-ўзидан "қўл бошқаруви" ўрнатилган эди ва бу ҳам ўз самарасини берди. Энди эса Ўзбекистон ўз тараққиётини давом эттириш йўлида янги босқичга кирар экан, тизимли бошқарувни кучайтириш айни муддаодир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тагача камайтирилиши, давлат хизматчилари сони ҳам босқичма-босқич 25-30 фоизгача қисқартирилиши ҳақидаги таклифларини қуйидагича баҳолаш мумкин: ислоҳотларнинг илк йилларида ҳақиқатан ҳам ҳар бир соҳага йўл кўрсатиш, пойдеворни қўйиб олиш учун алоҳида идоралар тажрибаси иш берди, энди эса ихчам тизимга ўтиш вақти келди. Бу жараён Ўзбекистон давлат қурилишини такомиллаштиришда ижобий натижаларга олиб келади.

Мурожаатноманинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у давлат тизимида мавжуд камчиликларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишнинг аниқ-равшан йўлларини ишлаб чиқишга асослангандир.

Мурожаатномада олдинги йилларда бўлгани каби бу гал ҳам ташқи сиёсат масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон раҳбари томонидан прагматик ва мувозанатли ташқи сиёсат юритиш, шунингдек, ўзаро яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ҳамда дунёнинг барча минтақаларидаги шериклар билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқаларни кенгайтириш бўйича танланган йўналиш ўзгармаслиги яна бир бор таъкидланди.

Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномани унинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда келгуси даврда мамлакатни янада ривожлантиришнинг "амалий дастуридир" деб баҳолаш мумкин.

**"Дунё" АА**

**МУНОСАБАТ**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЛЕЙТМОТИВИ: ЗАКОВАТ БОР ЖОЙДА УЛУҒЛИК БЎЛАДИ, БИЛИМ БОР ЖОЙДА БУЮКЛИК БЎЛАДИ



**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси**

**Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасидан хабардор бўлган каттаю кичик буюк инқилобий ўзгаришлар ҳақидаги мулоҳазалар билан яшаётгани, миллионлаб кўнгилларда улкан ҳаяжон ўтаётгани аниқ. Фикр билдиришга қодир барча давраларнинг бош мавзуси Президент Мурожаатномасида кўтарилган масалалар атрофида, эртанги муҳим ислоҳотлар хусусида кечаётгани шубҳасиз.**

Ҳар йили энг асосий бойлигига бойлик қўшилаётган — қарийб миллион нафар ўғил-қизга кўпаяётган Янги Ўзбекистонни 2023 йилда ҳам барча соҳаларда чинакам тарихий ислоҳотлар кутяпти. Юртдошларимиздан қабул қилинган 20 мингдан ортиқ таклиф орасидан саралаб олинган ташаббуслар асосида, энг аввало, таълим сифатини оширишга, маданият ва маърифатни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр, йўл, мактаб каби лойиҳалар учун келгуси йилда қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади. Ҳар бир маҳалла ўз кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши кўзда тутилган.

Бу ўзгаришлар "Янги Ўзбекистон" дея аталган шоҳ асарнинг ўзига хос лейтмотивига айланган "**Инсон қадри учун**" тамойилига ҳамоҳанг амалга оширилади. Зотан, Президентимиз таклифи билан кириб келаётган йилга **"Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"** деб ном берилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда...**

Мактабгача таълим тизимидан бошланган туб ислоҳотлар ўрта бўғинда ва олий босқичда узвий ҳамда изчил давом эттирилиб, сифат масаласи жиддий назоратга олинади. Сўнгги олти йилда болаларнинг мактабгача таълимга қамрови 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага боряпти. Бундан 5-6 йил аввал битирувчиларнинг 9 фоизига талабалик насиб қилган бўлса, ҳозир уларнинг 38 фоизи олий таълимга қамраб олиняпти. Рақамлардаги салмоқли тафовут Ўзбекистон таълим соҳасида "катта сакраш"ни амалга оширганини яққол англатди. Демакки, эндиги ҳаракатлар сифатни юксалтиришга қаратилади. Мурожаатномада қайд этилганидек, олий таълим муассасалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилади. Бу эса ёшларимиз учун олий маълумотга эга бўлиш имкониятини янада кенгайтиради.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари таъкидлаган бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни мамлакатимизда олий таълимга ўқишга киришдаги коррупция деярли йўқ бўлди. Лекин олий таълим муассасалари ичидаги коррупция ҳамон сақланиб қолмоқда. Бунга қарши курашишда олдинги сафда ваколатли органлар эмас, балки айнан ёшларнинг ўзи бўлиши зарур. Олий таълим муассасаларида ёшлар иштирокида тарғибот учрашувларини кўпайтириш, социологик сўровлар ўтказиш ва натижалари юзасидан тегишли хулосалар асосида чоралар кўриш кутилган самаралар беради, дейиш мумкин.

Мурожаатномада алоҳида урғу берилган яна бир муаммо — мактаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Президентимиз қайд этганидек, бу масалани ҳал қилишда 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникум имкониятидан самарали фойдаланиш зарур. Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда 1000 та маҳаллада фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилган касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ҳам мазкур муаммога ечим бўладиган амалий таклифлар билан чиқиши зарур. Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар парламенти келгуси йилда айнан мана шу масканлар фаолиятини жойига чиқиб, чуқур ўрганишни режалаштирди.

Ёшларимизни нафақат таълимга, касб-ҳунарга жалб этишга эътибор қаратишимиз, балки уларнинг онги ва қалбини мусаффо сақлашга ҳам масъул эканимизни бир лаҳза бўлсин унутмаслигимиз зарур. Мурожаатномада таъкидланганидек, бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Мусулмон умматига сабоқ берган буюк уламолар етишиб чиққан диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми? Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз.

Бу даъватлар замирида ўғил-қизларнинг ҳар дақиқасини унумли ва мазмунли ўтказишни таъминлайдиган механизм ишлаб чиқиш, ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ишларини тизимли олиб бориш зарурати намоён бўлади. Бугун дунёнинг "ўргимчак тўри" ёшлар онги ва қалбига тузоқ қўйган экан, бу чангалдан уларни омон сақлаш маданият ва маърифат билан амалга оширилади. Яъни таълим ва тарбия уйғунлиги шарт. Маданият ривожисиз маърифий такомилга эришиб бўлмайди.

Ёшларнинг соғлом дунёқараш соҳиби бўлиб камол топишида маданият муассасалари, хусусан, музейлар муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз урғулаганидек, Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бой маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай бетакрор тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижлик сайёҳларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талабларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Мурожаатномада қайд қилинган барча ислоҳотларда парламент аъзолари ҳукумат, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда иш олиб бориши зарурлиги, шундагина кутилган натижаларга эришиш мумкинлигига бир неча бор тўхталиб ўтилди. Давлат ривожи, жамият равнақи учун фақат танқид эмас, таклиф ва ташаббус ҳам лозимлигига, ижро ҳокимияти ҳамда вакиллик органининг ўзаро ҳамкорлиги муҳимлигига урғу берилди. Бу даъватлар биз — парламент вакилларини янада фаолликка чорлайди, албатта.

Қисқа мулоҳазаларимиз орқали кенг қамровли Мурожаатномадаги барча вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишнинг имкони йўқ. Бир хулоса қатъий: тараққиёт фақат ва фақат жасоратли меҳнат орқали бўлади! Президентимиз уқтирганидек, изланиш, изланиш ва яна изланишгина юксалишга — Учинчи Ренессансга олиб боради.

Сифатли таълимга эришиш йўлидаги ислоҳотлар натижасида башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни бартараф этишга қодир авлод, жамият бунёд бўлажак! Зеро, донишманд бобомиз Юсуф Хос Ҳожибдан Президентимиз келтирган иқтибосда таъкидланганидек, "Заковат бор жойда улуғлик бўлади, Билим бор жойда буюклик бўлади".

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

**Мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.**

*(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан).*

ТААССУРОТ

# “ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ”

## Сифатли билим бериш мамлакатимизни ривожлантиришдаги асосий омил бўлиб қолади



**Бахтиёр САИДОВ,**
**халқ таълими вазири**

**Президентимиз Мурожаатномаси барча юртдошларимиз, кенг жамоатчилик ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.**
**Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўйиб, ҳаётимизнинг барча жабҳасида улкан ўзгаришлар юз бераётганини қайд этар экан, 36 миллионли халқимизнинг ҳар бир вакили тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун кўрилаётган муҳим чоралар жадал давом эттирилишини таъкидлади.**

Мурожаатномада инсон қадрини улуғлаш ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири эканига алоҳида урғу берилди. Жумладан, “Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз кераклиги, бу жараёнда, энг аввало, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, фарзандларимизнинг халқаро стандартлар асосида билим олишини таъминлаш куннинг муҳим талаби экани қайд этилди.

Халқимиз фаровонлиги ва жамиятимиз ривожи учун катта ўзгаришларга асос бўлиб хизмат қилувчи мазкур нутқда ёшлар масаласига, хусусан, уларнинг сифатли билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун муҳим ташаббуслар илгари сурилгани биз, соҳа ходимларига катта хурсандлик бахш этиш билан бирга зиммамизга улкан масъулият юклади.

Ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш борасидаги туб ислоҳотлар замирида ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишига қаратилган юксак эътибор, ўғил-қизларни билимли ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш ғояси мужассам.

Мазкур фикрларга ҳамоҳанг тарзда Президентимиз томонидан кириб келаётган 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном бериш таклиф этилгани барча юртдошларимизнинг кўнглидаги гап бўлди.

Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида барпо этишнинг дастлабки шарти сифатли таълим экани ва энг катта инвестиция, аввало, таълимни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши лозимлиги, шу мақсадда келгуси йилдан бошлаб мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланиши айтилди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, 2023 йилдан бошлаб юртимиздаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мутлақо янгича методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан танлаб олинган биттадан — жами 14 мактабда халқаро таълим тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

“Замонавий жамият учун замонавий таълим” шиори остида бошланган мазкур ташаббус доирасида ўқувчиларнинг аниқ ва табиий фанларни пухта ўзлаштириши ва олган билимини ҳаётда қўллай олиш имкониятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир дарс бўйича амалий машғулотлар ўтказилади ва ушбу жараёнда ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини янада ривожлантиришга урғу берилади.

Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган электрон дарслик ва дастурлар, болаларни муаммони ҳал этиш ва зарур хулосага келишга ундовчи турли ўйин шаклидаги методик ишлар мазкур халқаро таълим йўналишининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг ўрганадиган фани ва ўқитувчисини мустақил танлаш ҳуқуқи борлиги, мактаб дарсларида болаларнинг ички имконияти ва қобилиятини юзага чиқаришга мўлжалланган педагогик усуллар, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш машғулотларнинг янада қизиқарли ва самарали ўтишини таъминлайди.

Президентимиз ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, ушбу мезонни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Албатта, бугунги кунда таълим муассасалари ўқитувчиларини ўз вазифасига алоқадор бўлмаган турли ишларга жалб этиш, улар зиммасига ортиқча вазифаларни юклашнинг олдини олиш бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳудудий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда кескин чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълимини ривожлантириш борасида белгиланган қатор муҳим вазифа ва режаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида янги мактаб бинолари қуриш ва мавжудларининг қувватини ошириш бўйича бошланган ишлар янада кенгайтирилади. Хусусан, 2023 йилда юртимизда 70 та янги мактаб биноси қурилади ва улар замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда қўшимча мебеллар билан таъминланади. Мавжуд 460 та умумтаълим мактабида янги ўқув бинолари қад ростлайди.



Жорий йилда тегишли давлат дастурлари асосида 791 та ва “Очиқ бюджет” платформаси орқали 873 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 120 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди. Охирги тўрт йилда 166 та мактаб биноси қурилди, 2 минг 433 та мактаб биноси реконструкция қилинди ва таъмирланди. Мазкур таълим муассасаларидаги 1 минг 965 та замонавий компьютер синфхонасига халқаро молия институтлари ҳамда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 26 минг дона компьютер жамланмаси етказилди.

Мурожаатномада мамлакатимиздаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш тартиби жорий этилиши айтилгани халқимиз томонидан катта қувонч билан қабул қилинди. Президентимиз жорий йил бошидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун жорий этилган мазкур амалиёт давомида катта тажриба тўплангани ва энди уни мамлакатимиз миқёсида амалга ошириш учун келгуси йилда 2,3 триллион сўм ажратилишини билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги 726 та умумтаълим мактабида таҳсил олаётган 139 минг 374 нафар ҳамда Хоразм вилоятидаги 549 та умумтаълим мактабида 134 минг 315 нафар бошланғич синф ўқувчисининг бепул овқатланиши ташкил этилди.

Юртимизда яшаётган ёшларнинг сифатли таълим олиши ва келгусида баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлашда мазкур нутқнинг тарихий аҳамияти ва ўрни ғоят муҳим. Мурожаатномада келтириб ўтилган ва халқ таълими тизимига тегишли вазифалар соҳада меҳнат қилаётган барча мутасаддилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг кенг қамровга эга ҳамда ҳаётимизнинг турли жабҳаларини қамраб олган Мурожаатномаси халқимиз турмуш даражасини янада ошириш ҳамда фарзандларимизнинг билимли ва ватанпарвар бўлиб камол топишини таъминлашдаги долзарб аҳамияти билан барчамиз учун қадрлидир.

**Президентимизнинг бу галги Мурожаатномасини ҳам интиқ кутдик ва мароқ билан тингладик. Энди унда белгилаб берилган устувор йўналишлар, муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда иш жараёнини ташкил этамиз.**

# БАЖАРИШИМИЗ ШАРТ БЎЛГАН РЕЖА ВА ВАЗИФАЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ

**Манзура ВАЛИЕВА,**
**Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” МФЙ раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси**



Давлатимиз раҳбари якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлганини таъкидлаб, тараққиёт фақат ва фақат жасоратли меҳнат орқали бўлишига урғу берди. Бу мана шу юртда яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқарога куч беради, ўз ишини кунт билан бажаришга ундайди, десам адашмайман.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўп йиллар ижарада хизмат фаолиятини юритган маҳалла фуқаролар йиғинлари янги масканга, кўркам гузарга эга бўлди, эски бинолари таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Қувонарлиси, маҳаллаларда жорий этилган янги лавозим эгалари — ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчилари иштирокида кўплаб муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Ана шу кенг қамровли ишларнинг давоми сифатида Мурожаатномада маҳалла институтига янада катта эътибор қаратилди. Олдимизга бир қанча масъулиятли вазифалар қўйилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллани тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия қўрғонига қиёслар экан, бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилишини таъкидлади. Ҳар бир маҳалла ўз кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарурлигини эшитиб, халқ розилиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг кўламда давом эттирилишидан қувондик. Чунки маҳалла ёшларининг маърифатга ошно бўлиши, спорт билан шуғулланиши уларнинг бўш вақтини тўлдиради. Бағрида мана шундай фарзандлар улғаяётган маҳаллада тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлади, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити қадрият даражасига кўтарилади. Бу маҳалла, шубҳасиз, маърифат ва тарбия қўрғонига айланади. Шу мақсадлар янги йилимизнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб аталиши билан ҳамоҳангдир.

Яна бир муҳим жиҳат. Мурожаатномада маҳалла ўз муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилиши айтилди. Бунинг учун 1 январдан мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади. Бу маҳаллаларнинг ободлиги йўлида ташланган яна бир хайрли қадам бўлади.

Мурожаатнома — бажаришимиз шарт бўлган режа ва вазифалар концепцияси. Унда белгиланган йўналишларни сидқидилдан амалга ошириб, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилишга тайёрмиз.

ИЛМ-ФАН

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ

## Бугун ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган ёшлар юртимизнинг “олтин фонди”га айланади

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Мамлакатимизда ихтисослаштирилган мактабларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Янги форматдаги мазкур ўқув муассасаларини очишдан мақсад халқаро стандартларга жавоб берадиган илғор технологияларни таълим жараёнига татбиқ этган ҳолда, ёшларни муайян фан соҳаси бўйича ўқитиш, уларга ушбу йўналишларда чуқур билим бериш, дунё ёшлари билан рақобатлаша оладиган, юксак салоҳиятли, истеъдодлиларни юзага чиқариш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва юксак натижалар сари ундаш, маънавиятли ҳамда интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантиришдан иборат.**

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 14 апрелдаги “Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, жорий йилда турли фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган 166 та мактаб ташкил этилди. Маълумотларга кўра, мазкур илм масканларига 58 минг нафардан зиёд ўқувчи саралаб олинди.

Тошкент вилоятида ҳам ташкил этилган шундай мактабларда ўқувчилар пухта билим олиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Бу йил вилоятда ташкил этилган 13 та ихтисослаштирилган мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Яқинда Бекобод шаҳри, Чиноз ҳамда Паркент туманларида ҳам ихтисослаштирилган таълим муассасалари капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Бекобод шаҳридаги ана шундай мактаб биносини реконструкция қилиш учун 7 миллиард 100 миллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди. Ушбу илм даргоҳи ўқувчиларга сифатли таълим бериш учун замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

— Ҳозирги кунда мактабимизда жами 264 ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди мазкур ихтисослаштирилган мактаб директори Абдусамад Собиров. — Мактабимизнинг лойиҳавий қуввати 366 ўқувчига мўлжалланган. Бугунги кунда табиий ва аниқ фанларга йўналтирилган синфларимиз мавжуд. Ўқув муассасамиз 5-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчиларни қамраб олган.

Ихтисослаштирилган мактабда спорт ва фаоллар зали, маънавият хонаси, кутубхона ҳамда ошхона мавжуд.

— Мен ихтисослаштирилган мактабда ўқишни орзу қилардим, — дейди Гулсанам Саидмуродова. — Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдим. Айни пайтда мактабда математика, физика ва инглиз тили йўналишида таҳсил оляпман. Бундай мактабда ўқиш ҳам шараф, ҳам масъулият. Президентимиз истаганидек, дунё ёшлари билан бемалол рақобатга киришa оладиган, билим борасида улардан қолишмайдиган кадрлар бўлиб етишишимиз керак. Бунинг учун мактабимизда барча шарт-шароит яратилган. Биздан талаб қилинадигани эса ўқиш ва изланиш, холос.

Чиноз туманида ҳам янги таъмирдан чиқарилган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 6 миллиард 200 миллион сўм сарфланди. Ўқишга ҳужжат топширган 1 минг 200 нафар ёшнинг 480 нафари тест синовларидан ўтиб, таҳсил ола бошлади.

Паркент туманида ҳам Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактабни таъмирлаш ишлари якунланиб, иншоот фойдаланишга топширилди. Имтиҳон асосида қабул қилинган ўқувчиларнинг асосий қисми туман ҳудудида яшовчи ёшлардир. Ихтисослаштирилган мактабда ўқитувчилар уч босқичли синов, очиқлик ва шаффофлик асосида саралаб олинди ва ишга қабул қилинди. Мактабда ишлаш истагини билдирган 223 ўқитувчининг синов жараёнидан муваффақиятли ўтган 41 нафари билан меҳнат шартномаси тузилган.

— Биология фани ўқитувчисиман, — дейди Гулшода Ҳусниддинова. — Ўқувчиларни янада қизиқтириш ҳамда уларнинг фанларни осон ўзлаштириши учун дарс жараёнларида янги педагогик технологиялардан фойдаланяпмиз. Ҳар ҳафта турли ўйинлар, замонавий STEAM таълим тизимига, PISA тадқиқотларига оид тестлар асосида уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини синовдан ўтказяпмиз. Бу ёшларнинг билимини халқаро мезонлар асосида аниқлаш имконини беряпти.





Рашид Галиев олган суратлар.

Вилоятдаги 13 та ихтисослаштирилган мактаб учун тест синовларида қатнашган 18 минг 340 нафар ўқувчининг 4 минг 790 нафари саралаб олинди. Ушбу мактабларда ишлаш истагини билдирган 1 минг 995 нафар ўқитувчидан 389 нафари танловдан ўтиб, иш бошлади.

Бундай мактабларда ўқувчиларга табиий ва аниқ фанларни, хорижий тилларни чуқур ўқитиш, замонавий илм ва технологияларни ўзлаштириш, инновацион ғоялар ва ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса келажакда уларнинг мамлакатимиз тараққиётини белгилайдиган “олтин фонд”га, Учинчи Ренессанс бунёдкорларига айланишига умид уйғотади.




МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

# ЭГИЛГАН, БУКИЛГАН, БИРОҚ СИНМАГАН ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

## 90 йил муқаддам қатағон қурбони бўлган 173 нафар шахс оқланди

**1956 ЙИЛ 15 НОЯБРДА ТОШКЕНТДАН УМРУХОН ФАЙЗУЛИНА, ШАРОФАТ АВАЗОВА ВА ҚИММАТХОН АЛИМЖОНОВА ТУРКВО ПРОКУРОРИГА ХАТ ЙЎЛЛАБ, ҚАМАБ ЮБОРИЛГАН ТУРМУШ ЎРТОҚЛАРИНИНГ КЕЙИНГИ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА СЎРАЙДИЛАР. ШУ АРИЗА АСОСИДА 1957 ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА УЛАРНИНГ ИШИ ҚАЙТА КЎРИЛАДИ. БИРОҚ АЙБЛОВ ЎЗ КУЧИДА ҚОЛДИРИЛАДИ.**

**2022 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси мустабид совет тузуми даврида қатағон қурбони бўлган ва ҳозирги кунга қадар оқланмаган 173 нафар шахсга оид 4 та жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқди. Унда Бош прокурор ўринбосари томонидан юқорида кўрсатилган жиноят ишлари юзасидан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция протестини бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибида протестлар келтирилган.**



**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**
**Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор**

Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисларида ушбу илтимосномалар ва протестлар кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан, жами 4 та жиноят иши бўйича 173 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Қуйида эътиборингизга оқланган юртдошларимизнинг айримлари ҳақидаги воқелик ва маълумотларни келтириб ўтишни жоиз билдик.

### Советларнинг кирдикорларини фош этган деҳқон ўғли

Туроббек Тўрабеков 1898 йил Зоминнинг Аччиқ қишлоғида ўзига тўқ деҳқон оиласида туғилган. Туроббек аввал эски мактабда, кейин 5 йиллик рус-тузем мактабида таълим олган. Шундан сўнг 1917 йил февралгача Зомин приставида тилмоч бўлиб ишлади. Октябрь инқилобидан кейин 1919 йилгача Қоратош волости ижроқўмида раис бўлди. Бир оз вақт ўтиб, Туроббек Тўрабеков Жиззах юқори ижроқўмига сайланди. Тўрт ойдан сўнг эса Жиззах юқори милицияси бошлиқлигига тайинланди.

Туроббек Тўрабеков 1921 йил октябрдан Самарқанд ЧКсига ишга олинади ва Жиззах ВЧК раҳбарлигига тайинланади. 1922 йил май ойида Туроббек Тўрабеков, Жиззах юқори милицияси бошлиғи Маъмур Йўлдошев, Жиззах волости ижроқўми раиси Абдулкарим Жонсўфиев дохил юрагида ўти бор ўн нафар йигит қаршилик ҳаракати курашчилари сафига ўтиб кетади. Улар Сангзорда самарқандлик Очилбек билан учрашади. Бу пайтда Зарафшон водийсида Очилбек, Ҳамроқулбек, Матчобек, Ўратепада Холбўтабек қизил аскарларга қарши жанг олиб борар эди. Т.Тўрабеков, М.Йўлдошев, А.Жонсўфиев 200 йигит билан 1923 йилгача большевикларга қарши кураш олиб боради. Уларга Анвар пошшонинг йигитларидан Юсуф Зиёбей, беш-олти нафар татар ҳарбий маслаҳатчи эди. Бироқ қаршилик ҳаракатидагилар қизил аскарлар билан жангларда муттасил катта қурбонлар бера бошлади. Қаршилик ҳаракатининг айрим етакчилари шўролар билан келишиб, кафолат хатлари олди. Туроббек юборган хатни Холбўтабек ҳам инкор этади. Шундай оғир шароитда йигитлар Афғонистонга чекинишга мажбур бўлади. Шу вақтда Тошкентдан Эшонжон ҳазрат Туроббекка хат йўллаб, муфтий Садриддинхонни Афғонистонга безарар етказиш вазифасини топширади. Муфтий Садриддинхон шогирди, таниқли олим Фотиҳ Каримийнинг укаси Ориф Каримий билан келиб қўшилади. Садриддинхон Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтишни айтади. Муфтий Садриддинхон, Сомеъ пошшо, Абдукарим Жонсўфиев — жами 150 киши Қоратегингача пиёда бориб, ундан Кўлоб томон йўл олади.

Туроббек Тўрабеков Кўлоб йўлида уч-тўрт кун қолиб, ортидан келаётган акалари ва дўсти Маъмур Йўлдошев — жами 12 кишини кутиб олади. Улар бир ой деганда Рустак, Хонобод орқали Афғонистонга кириб борадилар. Сомеъ пошшо Афғонистондаги Туркия консуллиги орқали бир миқдор пул олиб, ҳаммаси безиён Эронга ўтишга эришади. Туроббек Машҳадга бориб, 1927 йилгача турли ишлар билан машғул бўлади. Муфтий Садриддинхоннинг олдига тез-тез бориб, аҳволидан хабар олиб туради. Ватандошлар билан алоқани ушлаш учун шаҳарда этикдўзлик, саҳрода туякашларга мирзалик қилди. 1927 йил март ойида махфий тарзда Ватанга қайтиб, бир муддат яшайди. 1927 йил яна Эронга бориб, ўзининг Туркистонда кўрган-кечирганлари ҳақидаги ёзувларни Заки Валидий Тўғон ҳамда Мустафо Чўқайга юборади. Советларнинг барча кирдикорлари фош қилинган бу ахбороти “Янги Туркистон” газетасининг 1927 йил 5-6-сонида мақола сифатида чоп этилади.

Туроббек Тўрабеков 1928 йил августда акалари Усмонбек, Ҳазратқул ва бошқалар билан СССРга қайтиб келади. Улар қишлоқда деҳқончилик билан кун кечира бошлайди. Бироқ 1929 йил кузида Мунавварқори Абдурашидхонов ва унинг “Миллий иттиҳод” ташкилотига қарши очилган сохта жиноят иши доирасида жиззахлик барча зиёлилар қамоққа олинади...

### Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби

Орифжон Олимжонов 1898 йили Жиззах шаҳрида дунёга келган. Орифжон жадид ва рус-тузем мактаблари таълими билан етуклик топди. 1916 йил Жиззах қўзғолони етакчиларидан бири сифатида турмага ташланган отасини оқлаш мақсадида сиёсий кураш майдонига қадам қўйди. Орифжон Олимжонов 1919-1920 йиллар мусулмон ёшлари клуби фаолларидан эди. Орифжон совет маъмурлари назарига тушиб, 1920-1922 йилларда Жиззахда ёшлар иттифоқида (комсомол) масъул котиб бўлиб ишлади. Орифжон Олимжонов 1922-1923 йиллар Самарқанд вилояти комсомол котиби, 1924-1925 йиллар вилоят АПО мудири лавозимларида фаолият юритди. 1925-1926 йиллар қишлоқ хўжалиги билим юрти директори, 1926-1927 йиллар вилоят халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлади. Шу вақтда 1927 йил Эрондан қайтиб келган собиқ сафдоши ва дўсти Туроббек Тўрабековнинг ўз уйида яшашига рухсат беради.

Орифжон Олимжонов 1928-1930 йиллар Янги турк алифбоси маркази кенгаши масъул котиби бўлди, айни пайтда Самарқанд округ компартияси ташкилий бўлими мудири ўринбосари вазифасини ҳам бажарди. Бу вақтда Орифжон Олимжоновнинг “Маориф ва ўқитувчи” журналида лотин алифбосига бағишланган қатор мақолалари чоп этилди. Орифжон Олимжонов 1930 йил март-июнь ойларида Андижон округ колхоз иттифоқи раиси, 1930 йил июндан ЎзССР МИК раиси Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби лавозимида иш бошлайди. Бироқ Олимжон Орифжонов 1923 йил Эронга ва Туркияга пул йўллаган, деган айблов билан тўсатдан ҳибсга олинади. 1932 йил 14 октябрда эса ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади. У ноҳақ жазони Соловец лагерида ўтаётган вақтда, 1937 йил 9 октябрда Ленинградга келтирилиб, машъум “учлик” ҳукми билан отиб ташланади.

Орифжон Олимжонов 1974 йил 30 августда ЎзССР Олий суди томонидан оқланган ва бу хабар ўғли, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ўктам Ориповга етказилган.

### Ўз ватанимизни ёвга топшириб қўймаймиз!

Муҳиддинхўжа Нуриддинхўжаев 1898 йилда Жиззах шаҳрида савдогар оиласида дунёга келган. Муҳиддинхўжа аввал жадид, сўнг рус-тузем мактабларида ўқиган. 1914 йилдан Жиззахдаги реал мактабда ўқиди. Дастлаб ота касбини тутиб, ипак савдоси билан машғул бўлди. Отаси 1916 йил халқ қўзғолони қатнашчиси сифатида Жиззах турмасига ташланган. Муҳиддинхўжа мана шу жараёнда сиёсий кураш майдонига кириб, “Ёш бухороликлар” партиясига аъзо бўлади. Ҳокимиятга советлар келиши билан хусусий савдога чек қўйилади.

Муҳиддинхўжа Нуриддинхўжаев 1920-1921 йилларда Жиззах шаҳри халқ таълими бўлими мудири ўринбосари, 1921-1923 йилларда шаҳар милицияси бошлиғи, 1923-1924 йилларда Жиззах уезд ижроқўмида бўлим бошлиғи, 1924 йилдан 1926 йилгача шаҳар ижроқўми раиси вазифаларида фаолият юритган. Муҳиддинхўжа Нуриддинхўжаев шундан сўнг Самарқандга келиб, ЎзССР Озиқ-овқат вазирлигида масъул лавозимларда хизмат қилган.

Муҳиддинхўжа Нуриддинхўжаев Жиззах шаҳри халқ таълими бўлими бошлиғи вазифасида ишлаётганида гўёки Бауманнинг уйига ҳужум уюштирган, деган сохта айблов билан 1931 йил 7 ноябрь арафасида ҳибсга олинади. Асл сабаб эса 1922 йил баҳорида унинг хонадонида Самарқанддан келган турк



офицери Савур афанди шарафига берилган зиёфат эди. Унда Орифжон Олимжонов ва кўплаб жиззахлик зиёлилар бўлиб, меҳмон Савурбей афандининг сўзидан сўнг Туроббек Тўрабеков яқинда биз ҳам истиқлолчиларга қўшиламиз, деган эди. Бу меҳмондорчилик терговда маълум бўлгач, барчаси учун асосий айбловга айланади. Дарҳақиқат, бу инсонларнинг шўро маъмурлари олдидаги ягона айби ўз ватанини ёвнинг қўлига топшириб қўймасликка интилиши эди.

Муҳиддинхўжа Нуриддинхўжаев 1932 йил 14 октябрда ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 10 йилга концлагерга ҳукм этилди ва 1941 йил 15 мартда шу ноҳақ жазони ўташ даврида вафот этди.

1956 йил 15 ноябрда Тошкентдан Умрухон Файзулина, Шарофат Авазова ва Қимматхон Алимжонова ТуркВО прокурорига хат йўллаб, қамаб юборилган турмуш ўртоқларининг кейинги қисмати ҳақида сўрайдилар. Шу ариза асосида 1957 йил 9 октябрда уларнинг иши қайта кўрилади. Бироқ айблов ўз кучида қолдирилади.

### Қатағонга учраганлар рўйхатида бобонгиз йўқми?

Қуйида “Миллий иттиҳод” ташкилотининг Жиззах бўлими аъзолари сифатида қатағонга учраган ватандошларимизнинг рўйхатини келтирамиз. Уйлаймизки, бу инсонларнинг авлодлари ёхуд уларга тегишли маълумотларни билувчилар бўлса, Қатағон қурбонлари хотираси музейига мурожаат қилишлари мумкин.

ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 1932 йил 14 октябрда отувга ҳукм этилганлар:

*1. Туроббек Тўрабеков (1898), Зомин тумани Аччиқ қишлоғидан.*
*2. Ҳазратқул Тўрабеков (1896), Зомин тумани Аччиқ қишлоғидан.*
*3. Усмон Тўрабеков (1887), Зомин тумани Аччиқ қишлоғидан.*
*4. Муроджон Файзуллин (1897), жиззахлик, ЎзССР Наркомсавдода ишлаётганида қамоққа олинган.*
*5. Муҳиддин Хўжаев (1900), жиззахлик.*
*6. Абдураҳмон Бойқўзиев (1874), Зомин тумани Аччиқ қишлоғидан.*
*7. Муродхон Аллохўжаев (1891,) Самарқанднинг Сиёб туманидан.*
*8. Исҳоқ Холмуҳаммедов (1884), жиззахлик.*
*9. Тошбек Дўстбеков (1890), Жиззахнинг Работ қишлоғидан.*

1932 йил 14 октябрда ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан отув жазоси 10 йиллик концлагерга алмаштирилганлар:

*10. Орифжон Олимжонов (1900), жиззахлик.*
*11. Муҳаммаджон Файзуллин (1901), жиззахлик, УГорижроқўм (управление городского) раиси.*
*12. Мулло Исо Эрназаров (1887), Янгиқўрғоннинг Гадой қишлоғидан, халқ судида ишлаган.*

1932 йил 14 октябрда ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 10 йиллик концлагерга ҳукм этилганлар:

*13. Хидвер Йўлдошев (1873), Зоминнинг Ём қишлоғидан.*
*14. Турдибек Юсупов (1901), зоминлик, давлат банки бухгалтери.*
*15. Оллоберди Бекмуродов (1898), зоминлик, қуролли ҳаракат йигитларидан.*
*16. Аҳмад Қулбоев (1904), Зоминнинг Аччиқ қишлоғидан.*
*17. Абдусаттор Шукуров (1900), Зоминнинг Аччиқ қишлоғидан.*
*18. Мулло Норқул Тангриберганов (1898), Зоминнинг Бургунтуруқ қишлоғидан.*

ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 1932 йил 14 октябрда 5 йиллик концлагерга ҳукм этилганлар:

*19. Мулло Зиёд Норматов (1881), Жиззахнинг Ардакшон қишлоғидан.*
*20. Саттор Худойбердиев (1889), Зоминнинг Тигрик қишлоғидан.*
*21. Караматулла Алланазаров (1894), Зоминдан.*
*22. Мансур Турсунов (1894), жиззахлик уста.*
*23. Маъмур Мансуров (1908), жиззахлик уста.*
*24. Исҳоқ Қурбонов (1908), Жиззахнинг Тошлоқ қишлоғидан.*
*25. Асатилла Муҳсинов (1899), самарқандлик эроний.*
*26. Пови Жўлиев (1887), Туркманистоннинг Эрон билан чегарадош Душак қишлоғидан.*
*27. Қули Омонов (1892), Туркманистоннинг Эрон билан чегарадош Душак қишлоғидан.*
*28. Мулло Муқим Фозилов (1869), Жиззахдан.*

ОГПУ Ўрта Осиё бўлими томонидан 1932 йил 14 октябрда 3 йиллик концлагерга ҳукм этилганлар:

*29. Ражаб Эгаммуродов (1900), Туркманистоннинг Эрон билан чегарадош Душак қишлоғидан.*
*30. Ҳасайн Алиев (1895), Эроннинг Мушлия қишлоғидан.*

### Собиқ имом, қози Бақохоннинг аччиқ қисмати

Қози Бақохон Абдуллахўжаев 1871 йил Самарқанд шаҳрининг Қаландархона мавзеси, Дари Занжир маҳалласида дунёга келган. Бақохон икки ёшида отасидан етим қолиб, аввал Самарқанднинг таниқли мактабдорларидан Қори Зиёда, сўнг Дари Занжир ва Шайбонийхон мадрасалари мударриси Улуғхон Носирхонов қўлида таҳсил олади. Самарқанднинг Орифжонбой мадрасасида машҳур уламо Тўрахон Мўминхонов қўлида ўқийди. 1895 йил Бухорога йўл олиб, Девонбеги ва Мир Араб мадрасаларида Абдурозиқча домла, Ғиёс маҳдумда ўқиб, мадраса таълимини хатм қилади. Бақохон Абдуллахўжаев 1900 йил Бухоро мадрасаларини энг



*Архив сурат.*

юқори баҳода тугатган саноқли талабалар сафида шахсан Бухоро амири қўлидан мударрислик ёрлиғи ва пул мукофоти олади.

Самарқандга келган Бақохон 1903 йили Махдуми Хоразм масжиди имоми бўлади. 1905 йилдан ўзи улғайган Дари Занжир масжидига имом бўлиб, Дари Занжир мадрасасида мударрислик қилади. 1912 йилда Самарқанд вилояти бош қозилигига сайланган Бақохон Абдуллахўжаев шўролар ҳокимиятга келгунича шу лавозимда қолди. Бу даврда Бухорода бирга ўқиган дўсти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг бошчилигидаги жадид тараққийпарварлари учун яхши шароит яратишга ҳаракат қилади. 1916 йилда халқни мардикорликка олишга қарши намойишларга барча қозиларни жамлаб олиб чиқади.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг қози Бақохон Абдуллахўжаев жадид тараққийпарварлари сафида бўлди. Жадидлар махфий “Миллий иттиҳод” ташкилотини тузиб, барча ишончли инсонларни унга жалб этишга киришади. Ташкилотнинг қасамёди тайёрланиб, Тошкентдаги Порцов нашриёт уйида кўп минг нусхада босилади. Аъзолар варақага имзо чекиб, Қуръони карим ва қурол билан садоқатини изҳор қилиши керак эди. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва шогирди Мардонқул биринчилардан бўлиб қози Бақохонни йўқлайдилар. Қози Бақохон Абдуллахўжаев варақани кўриб, бу нима, имзо чекмасам-чи, дейди. Ҳазрат Беҳбудий акс ҳолда, сизни ўлдирамиз, дейди. Қиёматли дўстининг сўзини икки қилмай имзолаб, қасам ичади. Дарҳақиқат, ҳазрат Беҳбудий кўп ўтмай фитна билан шаҳид қилинди. Қози Бақохон Абдуллахўжаев унинг ўрнида Самарқанд жадидларига кўмакчи бўлди.

1921 йилда қози Бақохон Абдуллахўжаев қози Ҳайдарбек Абдусаидов билан Ўратепага истиқлолчилар қурултойига бориб, Бухородан келган турк субайларидан Асадбей билан танишади. Фарғонада уламолар ва давлатманд кишилар гаштаклар уюштириб, истиқлолчиларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида эшитади. Самарқандда ҳам ҳафтанинг ҳар жума куни гаштак белгилаб, унда ахборот алмашиш ва йиғилган пуллар билан Очилбек, Ҳамроқулбек, Холбўтабекни қўллаб-қувватлашга киришади. 1922 йил ўз боғида Ҳамроқулбекни ишончли йигитлари билан меҳмон қилади. У ош устида суҳбатда истиқлолчилик курашининг ҳеч қандай келажаги қолмаганини, бемаъни қирғиндан чекиниб, тирик қолганлар билан бошқа юртларга ҳижрат қилишини сўзлайди.

Қози Бақохон Абдуллахўжаев 1923 йилда Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан очилган маърифатни қўлловчи “Нашри маориф” жамиятига ёрдам берди. 1924-1928 йилларда Самарқанд вилояти диний назорат бўлимига раҳбарлик қилди. Айни пайтда халқ суди сифатида шаръий масалалардаги ишларни кўради. 1929 йил шўролар ҳукумати диний уламоларни синф сифатида тугатишга киришди. Мол-мулкидан айрилган қози Бақохон Абдуллахўжаев шундан сўнг бутунлай узлатга чекиниб, фарзандлари билан кичик ерида деҳқончилик қилади.

Қози Бақохон Абдуллахўжаев 1941 йил 26 мартда тўсатдан ҳибсга олинди. Турмуш ўртоғи Фотима Ёқубова, фарзандлари Муқаддасхон, Сафохон, Сайёрахон, Муртазохонга ҳеч қандай тушунтириш берилмади. 1941 йил март-апрель ойларидаги мунтазам сўроқларда қози Бақохон ўзига қўйилган барча айбловларни рад этди. Бироқ 1941 йил 5 ноябрь куни ИИКК Ўрта Осиё ҳарбий трибунали томонидан 10 йилга қамоққа ҳукм этилади...

### Афғонистон вазири билан учрашган Мулла Назирбек

Назирбек Абдужабборбеков 1878 йил Самарқанднинг Хайробод мавзеси, Хўжа Зуммурод маҳалласида дунёга келган. Отаси Абдужабборбек Самарқанднинг таниқли бойларидан ҳожи Мансурбойнинг мирзаси эди. Назирбек аввал эски мактабда, сўнг Шарбатдор мавзесидаги рус-тузем мактабида ўқийди. Шундан сўнг 14 йил давомида Хўжа Зуммурод мадрасасида, тўрт йил Бухородаги Мир Араб мадрасасида мулла Абдурозиқча домла қўлида таҳсил олади. Мадраса таълимини хатм қилгач, Самарқандга келиб мударрислик билан банд бўлади. Мулла Назирбек Абдужабборбеков 1919-1920 йиллар Хайрободда қўшбеги, 1920-1932 йиллар Хўжа Зуммурод масжидида имом бўлди. Мулла Назирбек ҳам 1921 йил “Миллий иттиҳод”га қасамёд этди. Аммо табиатан ҳалим мулла Назирбек ўзини сиёсий фаолликдан узоқ тутди. Аксар вақтини илм таҳсили ва талабалар ичида ўтказди. Шўролар ҳокимияти мустаҳкамланиб, мадрасалар деярли талабасиз қолаётган 1924-1926 йилларда ҳам Хўжа Зуммурод мадрасасида Назирбек Абдужабборбеков ёнида Туркистоннинг турли шаҳарларидан келган 50 нафардан ортиқ талаба бор эди. Етук мударрис ва уламо сифатида маҳкамаи шаръия аъзоси бўлди. Хўжа Зуммуродда ислом илмини ёйишга ҳаракат қилди. Бироқ 1932 йил имомлик вақтида ОГПУ ходимлари томонидан ҳибсга олиниб, хуфя хизматга мажбуран жалб этилади. 1933 йил мулла Назирбек қори Нарзулло исмли киши билан Керкидан Афғонистонга ўтказилади. Улар 8-10 кун давомида Андхўйда бўлиб, асли тошкентлик уламолар — қори Шароф, қози Шокир, самарқандлик бой мулла Ҳодий Нурмуҳаммедов, Ражаб амин қишлоғидан бўлган собиқ истиқлол курашчиси Ҳамроқулбек, Улуғбек мадрасаси мударриси мулла Низом домлалар билан учрашади. Ҳамроқулбек 1923-1924 йиллар Мозори Шарифга, ундан Истанбулга кетган эди. Сўнг Мозори Шарифда яшаётган асли самарқандлик Абдурашидбой ёрдамида Андхўйга келиб, этикдўзлик орқасидан кун кечирган. Бу вақтда Андхўйдаги Мадрасаи Бобонда дарс бераётган асли марғилонлик Мулла Низом домла асосан СССРдаги мусулмонлар ҳаёти ва диндорларнинг аҳволи билан қизиқади. Мулла Назирбек совет маъмурлари билан бирга Афғонистон вазири билан учрашади. Бизнингча, уларнинг Афғонистонга йўлланишининг бош сабаби советлар афғон ҳукумати вакиллари билан учрашаётганда СССРдаги мусулмонлар аҳволининг яхши экани ҳақида маълумот беришлари керак бўлган. Шундан сўнг улар тезда Самарқандга қайтарилади.

1941 йил 26 март куни Қизил Шарқ артелида кассир бўлиб ишлаётган мулла Назирбек Абдужабборов ҳам тўсатдан ҳибсга олинади. Унинг турмуш ўртоғи Султоной ая, фарзандлари Нурулла, талаба қизи Саида, талаба ўғли Хайрулла, мактаб ўқувчилари бўлган Баҳрулла, Зикрулла ва Ботирга ҳеч қандай маълумот берилмайди. Унинг хонадонидан 110 та турли диний китоб, 90 та хат ва ҳужжат олиб кетилади. Мунтазам тергов ва сўроқлар вақтида мулла Назирбек ўзига қўйилган барча айбловларни рад этади. Бироқ 1941 йил 5 ноябрь куни ИИХК Ўрта Осиё ҳарбий трибунали мулла Назирбек Абдужабборбековни ҳам собиқ мударрис ва имом деб, ЎзССР ЖКнинг 58-, 66-, 67-моддалари билан 10 йил муддатга қамоққа ҳукм этади...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1264.
80849 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:20 Топширилди — 02:45